

ЎЗБЕКИСТОН  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ҚЎМИТАСИ  
№ 01-11

ЎЗБЕКИСТОН  
САВДО-САНОАТ  
ПАЛАТАСИ  
№ 01СП

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ  
№ 153

ЎЗБЕКИСТОН  
БАНКЛАРИ  
АССОЦИАЦИЯСИ  
№ 11-П

2017 йил  
« 7 » февраль

2017 йил  
« 7 » февраль

2017 йил  
« 6 » февраль

2017 йил  
« 7 » февраль

**“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хотин-қизлар, ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулай шарт-шароит ҳамда “Аҳолини тадбиркор қилиш” мақсадида ҳар бир хонадонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан республика ҳудудларида семинарлар ташкил этиш бўйича**  
**Қ Ҷ Ш М А Ф А Р М О Й И Ш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркор қилиш” ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик соҳасида ишлаши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хотин-қизлар, ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар юзасидан семинарлар ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси вакилларида иборат ишчи гуруҳи 1-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда семинарлар ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ зиммасига:


- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти, яратилган имтиёзлар, жумладан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тартибларини батафсил тушунтириш, аҳолини молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда соҳа субъектларига берилган шарт-шароитлар ва кўрсатилаётган банк хизматлари турлари хусусида тўлиқ маълумотлар бериш;

- семинарларда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан кўтариладиган масалалар ўз ечимини топиши юзасидан барча зарурий чораларни кўриш;

- ушбу тадбирларни оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение орқали кенг ёритилиш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бошқармалари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда мазкур тадбирларни юқори савияда ва очиқ мулоқот тарзида ўтказилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилсин.

5. Мазкур қўшма Фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маруфова, Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси раиси А. Шайхов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари С. Ходжаев, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори С. Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.



Т.К. Нарбаева



А.Э. Шайхов



С.С. Ходжаев



С.П. Абдуллаев

**Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда оилавий тадбиркорлик,  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хотин-қизлар, ёшлар тадбиркорлигини  
молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар юзасидан  
семинарлар ўтказиш бўйича  
ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ**

№	Исм-шарифи	Лавозими
1.	Т. Нарбаева Г. Маруфова И.Каримова Д. Кузиева	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси- Ишчи гуруҳ раҳбари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари - ишчи гуруҳ аъзоси Бош мутахассис - ишчи гуруҳ аъзоси Раис ёрдамчиси - ишчи гуруҳ аъзоси
2.	А. Шайхов А. Икрамов У. Акбаров	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси – Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари – ишчи гуруҳ аъзоси Худудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи - ишчи гуруҳ аъзоси
3.	С. Ходжаев А. Қосимов	Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки раисининг биринчи ўринбосари – Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти директори - ишчи гуруҳ аъзоси
4.	С. Абдуллаев Х. Икрамов А. Имомходжаев	Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори – Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари Бош эксперт - ишчи гуруҳ аъзоси Бош эксперт - ишчи гуруҳ аъзоси

**Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда семинарлар ўтказиш  
ЖАДВАЛИ**

№	Худудлар номи	Муддати	Масъуллар
1	Тошкент шаҳри	2017 йил февраль	<p align="center">Хотин-қизлар қўмитаси ва ҳудудий филиаллар, Ўзбекистон Савдо-Саноат Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси</p>
2	Тошкент вилояти	2017 йил февраль	
3	Сурхандарё вилояти	2017 йил март	
4	Қашқадарё вилояти	2017 йил март	
5	Қорақалпоғистон Республикаси	2017 йил апрель	
6	Хоразм вилояти	2017 йил апрель	
7	Бухоро вилояти	2017 йил май	
8	Навоний вилояти	2017 йил май	
9	Фарғона вилояти	2017 йил июль	
10	Андижон вилояти	2017 йил июль	
11	Наманган вилояти	2017 йил июль	
12	Самарқанд вилояти	2017 йил октябрь	
13	Жиззах вилояти	2017 йил ноябрь	
14	Сирдарё вилояти	2017 йил ноябрь	